

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг
2018 йил 26 сентябрдаги 16-сон қарорига
ИЛОВА

**Ташиш ва алоқа хизматлари таърифлари нархлари
индексини ҳисоблаш бўйича услубий низом**

Ушбу услубий низом давлат статистика қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, статистика органлари томонидан Ўзбекистон Республикасидаги ташиш ва алоқа хизматлари таърифлари индексларини ҳисоблашда фойдаланилади.

Ушбу услубий низомни шакллантиришда “Ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси: амалиёт ва назария” (ЕИҚ, БМТ, ХВЖ, ХМТ, ИХРТ, Евростат, Бутунжаҳон банки, 2004 йил) ва миллий ҳисоблар тизимида нархлар ҳамда ҳажм кўрсаткичлари қўлланмасининг (Евростат 2001 йил) хизматлар ишлаб чиқарувчиларнинг тарифлари индексини шакллантириш қисмидаги тавсияларидан фойдаланилган.

Ушбу услубий низом танланма статистик кузатувларини ташкил этиш ва олиб боришда давлат статистика органлари томонидан ишончли статистик маълумотларни олиш ва улар асосида ташиш ва алоқа хизматлари таърифлари индексларини ҳисоблаш имконини берувчи босқичларнинг кетма-кетлигини ўз ичга олади.

Ташиш ва алоқа хизматлари таърифлари индекси тизимини шакллантиришда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастури қонуний асос бўлиб ҳисобланади.

1. Умумий қоидалар

1. Ушбу услубий низомда қуйидаги асосий тушунча ва таърифлардан фойдаланилган:

таянч йил – салмоқ вазнлар тизимини шакллантириш ва тарифларнинг танланма давлат статистик кузатувларини ташкил этишда таянч корхоналар ҳамда вакил-хизматлар турларини танлаб олишда ташиш ва алоқанинг бозор хизматлари ҳажми кўрсатилган йил;

вакил-хизмат – ташиш ва алоқа хизматлари тарифлари давлат статистика кузатувлари учун танлаган аниқ турдаги хизмат.

хизматнинг салмоқ вазни (хизматлар гуруҳи) – таянч йил учун ташиш ва алоқа хизматлари умумий бозори ҳажмида танланган вакил-хизматлари (хизматлар гуруҳи)нинг улуши. Бу ҳар бир элементнинг умумий мажмуадаги муҳимлик даражасини акс эттирувчи кўрсаткич;

тарифларнинг индивидуал индекси – аниқ турдаги вакил-хизматлар тарифлари ўзгариши даражасини тавсифловчи нисбий кўрсаткич;

тарифларнинг жамланган (умумий) индекси – алоҳида кичик гуруҳлар, гуруҳлар ёки ўрганилаётган жараёнлар бўйича умумий ҳисобда тарифлар ўзгариши даражасини тавсифловчи ва индивидуал тариф индекслари асосида шаклланивчи нисбий кўрсаткич;

таянч ташкилот – тарифларни рўйхатга олиш учун танланган кузатув объекти;

тарифлар шакллантиришнинг хусусиятлари (таснифлари) – вакил-хизматларни аниқлаш имконини берувчи ва тарифларнинг қийматига таъсир этиши мумкин бўлган хусусиятлар. Ташиш хизматлари тарифларининг шаклланиши хусусиятлари қуйидагилар: юк синфи ёки номи, ташиш масофаси, бир марталик юкни жўнатиш ҳажми, транспорт воситаси тури, маркаси, юк қабул қилувчининг тури, етказиб бериш тезлиги, белгиланган жой, транспорт воситасининг юк кўтариш қобилиятидан фойдаланиш даражаси, хизмат кўрсатиш даражаси ва шу қабилар. Алоқа хизматлари бўйича – тариф режаси, белгиланган трафик ҳажми, оқим тезлиги, тўпلامга киритилган каналлар ва ҳ.к.

2. Ташиш ва алоқа хизматлари таърифлари индексини ҳисоблаш инструментарийси

2. Ташиш ва алоқа хизматлари таърифлари индексини аниқлаш учун маълумотлар базаси бўлиб танланган корхоналар доирасида давлат статистикасининг **3-наrx** “Транспортда юк ташиш (узатиш) тарифлари тўғрисида ҳисобот” ва **4-наrx** “Алоқа хизматлари тарифлари тўғрисида ҳисобот” шакллари, шунингдек, **9-наrx (ist) blankasi** “Товар(хизмат)лар истеъмол наrx(тариф)ларини рўйхатга олиш бланкаси” кузатув анкетаси асосида йўловчи ташиш хизматлари тарифларининг рўйхатга олинган истеъмол наrxлари тўғрисидаги маълумотлар ҳисобланади.

3. Ташиш ва алоқа хизматлари таърифлари индексини шакллантиришнинг асосий босқичлари

3. Тарифлар кузатуви ва тариф индексларини ҳисоблаш қуйидаги схема бўйича амалга оширилади:

тарифлар кузатуви учун вакил-хизматлар танлаб олиш;

тарифлари рўйхатга олинаётган таянч ташкилотлар танлови;

тарифларни рўйхатга олиш тартибини белгилаш;

турли даражадаги жамланган индексларни ҳисоблаш учун ўлчаш тизимни шакллантириш;

формула танлови ва тарифлар индексини ҳисоблаш.

4. Вакил-хизматлар танлови

4. Тарифларни рўйхатга олиш учун вакил-хизматлар танлаб олиш икки босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқичда тариф индексини шакллантиришда ягона ёндашиш нуқтаи назаридан иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифи (ИФУТ, 2-таҳрир)нинг **Н. Ташиш ва сақлаш** ва **Ж. Ахборот ва алоқа** бўлимлари фаолиятига тааллуқли, ташиш ва алоқа хизматлари умумий ҳажмда катта салмоқ вазнга эга алоҳида турдаги хизматлар рўйхати шакллантирилади. Бунинг учун таянч йил маълумотларида хизматлар соҳаси статистикасининг маълумотларидан фойдаланилади.

Иккинчи босқичда мунтазам кузатувлар учун келтирилган рўйхат асосида юклар ва алоқа кўринишидаги аниқ тавсифга ва тариф шакллантириш хусусиятига эга бўлган тарифларни маълум бир шакл асосида вакил-хизматлар рўйхати шакллантирилади.

5. Вакил-хизматлар танловининг асосий мезонлари:

танлаб олинган вакил-хизматлар республика бозорларидаги транспорт ва алоқа хизматларининг умумий ҳажмида сезиларли даражадаги салмоқ вазнга эга бўлиши лозим;

танлаб олинган вакил-хизматлар календарь йили давомида мунтазам равишда мавжуд бўлиши керак;

ҳар бир тур бўйича алоҳида танлаб олинган хизматлардан тарифларни шакллантириш тавсифига эга бўлганларини ажратиб олиш мумкин;

танлаб олинган турлар бўйича вакил-хизмат тарифлари маълумотлари таққосланадиган даврларга мос бўлиши керак.

5. Таянч корхоналар танлови

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 сентябрдаги “Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 274-сон қарори асосида фаолият олиб борувчи Ягона давлат регистри маълумотлари бўйича ташиш ва алоқа хизматлар тарифлари кузатуви учун таянч ташкилотлар танлаб олинади.

7. Таянч ташкилотларнинг рўйхати мақсадли танлов орқали шакллантирилади.

8. Автомобиль транспорти ташкилотларидан ташқари таянч ташкилотлар танлови Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси томонидан амалга оширилади.

9. Автомобиль транспорти ташкилотлари давлат статистика қўмитаси билан келишилган ҳолда ҳудудий статистика органлари томонидан танланади. Корхоналар танловини амалга оширишда мунтазам равишда фаолият кўрсатувчи ташкилотларга алоҳида урғу бериш керак. Бу эса ўз навбатида тариф маълумотларни йиғишда ўзаро таққослаш имконини яратади.

10. Танланган автомобиль юк ташиш транспорти корхоналари ҳажми ҳудуд бўйича автомобиль транспортида юк ташиш бўйича кўрсатилган умумий хизматлар ҳажмининг

50 %идан кам бўлмаган қисмини қамраб олгандагина танлов репрезентатив бўлиб ҳисобланади.

11. Транспорт ва алоқа хизматларининг бошқа турлари учун репрезентатив кўрсаткич 70% бўлиб ҳисобланади.

6. Тарифларни рўйхатга олиш тартибини белгилаш

12. Тарифларни қайд этиш шундай амалга оширилиши керакки, унга кўра рўйхатга олинаётган икки давр оралиғи тақвим бўйича бир ойни ташкил этиши керак. Шу мақсадда ойнинг ўртаси афзал ҳисобланади (ойнинг 15 санаси ёки унга яқинроқ сана).

13. Агарда тариф хизматлари чет эл валютасида ўрнатилган бўлса, у ҳолда рўйхатга олиш санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий курси бўйича қайта ҳисобланади (ойнинг 15 санаси ёки унга яқинроқ сана).

14. Тариф индексларини барпо этишда маълумотларнинг таққосланиши ва тариф қаторларининг узлуксиз даврийлигини таъминлаш керак. Индексларни ҳисоблашда ҳар қандай мавжуд бўлмаган тарифлар ҳисобга олинмайди. Агар тақдим этилаётган хизматлар рўйхатидан устунлигини танлаш имкони бўлмаса, унда бир нечта вакил турлар бўйича тарифларни рўйхатидан ўтказиш амалга оширилади. Шу билан бирга, индивидуал тариф индексини ҳисоблаш учун геометрик ўртача қийматдан фойдаланган ҳолда ўртача тариф ҳосил қилинади.

15. Агар таянч ташкилотларда кузатилаётган вакил-хизматлар вақтинчалик тўхтатилган вазиятларда тарифларни шартли равишда ҳисоблаш амалга оширилади. Тарифларни шартли равишда ҳисоблаш амалдаги тарифларнинг ҳақиқий маълумотлари олингунига қадар амалга оширилади.

16. Шартли равишда ҳисоблашнинг икки хил усули мавжуд: олдинги даврдаги тарифлардан фойдаланиш ва шартли тарифларни ҳисоблаш.

17. Аввалги даврдаги тарифлардан фойдаланиш фақатгина бир-икки ой давомида тариф динамикаларини нисбатан барқарор ушлаб туриш мақсадларида ташиш ва алоқа хизматлари тарифлари танланма давлат статистик кузатувида тушган таянч ташкилотлар мутахассислари билан ўзаро келишилган ҳолда амалга оширилади.

18. Шартли тарифларни ҳисоблаш усули тарифларнинг барқарор бўлмаган динамикаси ва таянч ташкилот томонидан вакил-хизмат узоқ муддатга тўхтатилганда қўлланилади. Шартли тарифларни ҳисоблаш ва тарифларнинг нисбий ўзгаришларидан фойдаланиш йўли орқали даврий қаторлардаги узлуксизлик таъминланади:

бошқа таянч ташкилот томонидан тақдим этилган айнан шундай вакил-хизмат;

кузатув учун танлаб олинган хизмат кўрсатувчи барча таянч ташкилотларнинг вакил-хизмати (мавжуд бўлмаганига айнан ўхшаш);

умумий ҳисобда барча турдаги ташиш ва алоқа хизматлари бўйича.

19. Амалдаги хақиқий тарифлар пайдо бўлган ойда шартли тарифларни қўллаш натижасида уларнинг асоссиз равишда ошиши ёки камайишини олдини олиш мақсадида амалдаги тариф маълумотлари асосида хақиқий ўсиш суръатига нисбатан аввалги ойдаги шартли тарифлар тўғриланади.

20. Йўловчи ташиш транспорти тарифларини рўйхатга олиш “Товар ва хизматларнинг истеъмол нархлари (тарифлари) кузатувини ташкил этиш ва истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш бўйича услубий низом”да белгиланган тартиб асосида амалга оширилади

7. Турли даражадаги агрегатларнинг қийматини ҳисоблаш учун тортиш тизимини шакллантириш

21. Тарифлар индексларини ҳисоблаш учун салмоқ вазнларни шакллантиришда таянч даврдаги ташиш ва алоқанинг бозор хизматлари ҳажми маълумотларидан фойдаланилади.

22. Таянч давр салмоғлари ва индексларини мувофиқлаштириш шартларига риоя этган ҳолда тариф индексларини шакллантириш мақсадида тузатилган янгиланиш коэффициентидан фойдаланиб, ўтган йилги таянч даврнинг декабрь ойидаги нархлар кўрсатилган бозор хизматларининг ўртача йиллик ҳажмлари тўғриланади.

23. Янгиланишларни тузатиш коэффициенти қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$K_{\text{актуал}} = \frac{STR_{\text{дек}, G-1}}{\sum_{n=1}^{12} (STR_{n, G-1}) / 12}$$

бунда:

- $STR_{\text{дек}}$ – ўтган ойга нисбатан декабрь ойининг мос равишда хизматлар, хизматлар, гуруҳлари бўйича ва умумий ташиш ва алоқа хизматлари бўйича қисқа муддатли нарх индекси¹;
- STR_n – мос равишда хизматлар, хизматлар гуруҳи бўйича ўтган ойга нисбатан n ойидаги қисқа муддатли нарх индекси;
- n – ой рақами (январ учун-1, феврал учун-2 ва ҳ.к);
- $G-1$ – индекслар ҳисобланадиган ва салмоқ вазнлардан фойдаланиладиган йилнинг ўтган йилга нисбати.

24. Тўғриланган актуализация коэффициентларини кўрсатилган хизматлар ҳажмига кўпайтириш йўли билан барча хизмат турлари бўйича хизматларнинг тўғриланган ҳажми ҳисобланиб, бундан эса бевосита салмоқ вазнлар тизимини ҳисоблашда фойдаланилади.

¹ Қисқа муддатли тариф индексларини ҳисоблаш услубиёти 8 бўлимида келтирилган (“Формула танлови ва тариф индексларини ҳисоблаш”).

25. Аниқ турдаги хизмат, гуруҳлар ва кичик гуруҳларнинг салмоқ вазнлари қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$W_i = \frac{d_i}{\sum_{i=1}^n d_i}, \quad W_j = \frac{d_j}{\sum_{j=1}^n d_j},$$

бунда:

- W_i – хизматнинг салмоқ вазни (i);
- W_j – j гуруҳнинг ёки кичик гуруҳларнинг салмоқ вазни;
- d_i – таянч йил учун кўрсатилган i хизматнинг тўғрилаган ҳажми;
- d_j – таянч йил учун кўрсатилган i хизматлар гуруҳи ёки кичик гуруҳининг тўғрилаган ҳажми.
- n – мос равишда гуруҳ ёки кичик гуруҳлардаги хизматлар сони.

26. Қайта киритилган позициялар бўйича тўғриланган актуализация коэффициентларини аниқлашда гуруҳлар позициясининг мавжуд тузатиш коэффициентларидан ёки гуруҳлар бўйича позициясидан фойдаланилади.

27. Ташиш ва алоқа хизматлари тарифлари индексларини ҳисоблашда қўлланиладиган салмоқ вазнлар тизими ҳар йили қайта кўриб чиқилади.

8. Формула танлови ва тариф индексларини ҳисоблаш

28. Танланган элементлар қамраб олиниш даражасига қараб ташиш ва алоқа хизматлари тарифлари учун индивидуал ва йиғма тариф индексларини ҳисоблаш амалга оширилади.

29. Дастлабки маълумотлар асосида индивидуал тариф индекслари қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$STR_{t,i} = \frac{P_{t,i}}{P_{t-1,i}} \times 100\%,$$

бунда:

- $STR_{t,i}$ – ўтган ойга ($t-1$) нисбатан t ҳисобот ойидаги i вакил-хизматларнинг индивидуал тарифлар индекслари;
- $P_{t,i}$ – t ҳисобот ойидаги i вакил-хизматлар тарифи, сўмда;
- $P_{t-1,i}$ – i вакил-хизматлар тарифининг ўтган t ойига нисбати, сўмда.

30. Бирлаштирилган нарх индексларини ҳисоблашда таянч даврининг салмоқ вазнлари тизимидан фойдаланилган ҳолда модификацияланган Ласпейрес формуласи асосида амалга оширилади. Модификация шундан иборатки, ҳар бир даврда таянч салмоқ вазнлар нарх индексининг сўнгги қийматига кўпайтирилади. Ушбу ёндашув ҳисоб-китоблар занжирининг узлуксизлигини сақлаб қолади, бу эса хизмат кўрсатишнинг беқарор вазиятларида уларни алмаштириш масаласини осонлаштиради.

31. Ҳисоб-китоблар қуйидаги алгоритм асосида амалга оширилади:

$$1. LTR_{t,i} = \prod_{n=1}^t STR_{n,i} ,$$

$$2. V_{t,i} = W_i * \prod_{n=1}^t STR_{n,i} ,$$

$$3. LTR_{t,j} = \frac{\sum_{i=1}^g V_{t,i}}{\sum_{i=1}^g W_i} = \frac{V_{t,j}}{W_j} ,$$

$$4. STR_{t,j} = \frac{LTR_{t,j}}{LTR_{t-1,j}} ,$$

бунда:

$LTR_{t,i}$ – j хизмат бўйича таянч йилнинг декабрь ойига нисбатан жорий t ойдаги узоқ муддатли тарифлар индекси;

STR_t – j хизмат бўйича ўтган ойга нисбатан ҳисобот ойидаги қисқа муддатли тарифлар индекси;

$STR_{t,j}$ – j хизмат гуруҳи (кичик гуруҳи)нинг ўтган ойига нисбатан $(t-1)$ жорий t ойдаги қисқа муддатли тарифлари индекси;

$LTR_{t,j}$ – j хизмат гуруҳи (кичик гуруҳи)нинг декабрь ойига нисбатан t жорий ойдаги узоқ муддатли тарифлари индекси;

$V_{t,i}$ – жорий t ойдаги i хизматларнинг салмоқ вазни;

$V_{t,j}$ – жорий t ойдаги j хизматлар гуруҳлари (кичик гуруҳлари)нинг салмоқ вазни;

W_i – i хизматларнинг салмоқ вазни

W_j – j хизматлар гуруҳлар (, кичик гуруҳлар) бўйича салмоқ вазни;

n – ой рақами (1-январь, 2-февраль ва х.к.);

g – гуруҳлар (кичик гуруҳлар) таркибига кирувчи хизматлар сони.

32. **Ҳар ойда** аввалги ойга нисбатан тариф индекслари ҳисобланишидан ташқари, ўтган йилнинг декабрь ойига, ўтган йилнинг мос ойига ҳамда йил бошидан ўтган йилнинг мос даврига нисбатан тариф индекслари ҳисобланади.

33. Кўрсатилган индексларни ҳисоблашда қуйидаги формулалардан фойдаланилади:

ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан:

$$LTR_{2,t} = \prod_{n=1}^t STR_n ,$$

бунда:

$LTR_{2,t}$ – ўтган йил декабрига нисбатан жорий ой t тарифлар индекси (хизмат, гуруҳ ёки кичик гуруҳ хизматлар, барча ташиш ва алоқа хизматлар бўйича – йиғма маълумот);

STR – ўтган ойга нисбатан n –ойи учун тарифларнинг қисқа муддатли индекси (хизмат, гуруҳ ёки кичик гуруҳ хизматлар, барча ташиш ва алоқа хизматлар бўйича – йиғма маълумот);

t – жорий ой;

n – ойнинг тартиб рақами.

ўтган йилнинг мос ойига нисбатан:

$$LTR_{3,t} = \frac{LTR_{t,G}}{LTR_{t,G-1}} ,$$

бунда:

$LTR_{3,t}$ – ўтган йилнинг мос ойига нисбатан жорий ой (t) тарифининг индекси (хизмат, гуруҳ ёки кичик гуруҳ хизматлар, барча ташиш ва алоқа хизматлар бўйича – йиғма маълумот);

LTR_t – таянч йилнинг декабрь ойига нисбатан жорий ой (t) тарифлари индекси (хизмат, гуруҳ ёки кичик гуруҳ хизматлар, барча ташиш ва алоқа хизматлар бўйича – йиғма маълумот);

t – жорий ой;

G – жорий йил;

$G-1$ – ўтган йил.

йил бошидан ўтган йилнинг мос даврига нисбатан:

$$LTR_{4,t} = \frac{\sum_{n=1}^t LTR_{n,G}}{\sum_{n=1}^t LTR_{n,G-1}},$$

бунда:

$LTR_{4,t}$ – ўтган йилнинг мос даврига нисбатан январь ойидан бошлаб жорий ойгача (t) бўлган тарифлар индекси (хизмат, гуруҳ ёки кичик гуруҳ хизматлар, барча ташиш ва алоқа хизматлар бўйича – йиғма маълумот);

LTR_n – таянч йилнинг декабрига нисбатан n - ой учун тарифлар индекси (хизмат, гуруҳ ёки кичик гуруҳ хизматлар, барча ташиш ва алоқа хизматлар бўйича – йиғма маълумот);

t – жорий ой;

G – жорий йил;

$G-1$ – ўтган йил.

34. **Ҳар чоракда** аввалги чоракка нисбатан ва ўтган йилнинг тегишли чорагига нисбатан тарифлар индекслари аниқланади.

Мазкур индексларни ҳисоблашда қуйидаги формулалардан фойдаланилади:

жорий чорак ўтган чоракка нисбатан:

$$LTR_{5,кв} = \frac{\sum_{к=1}^3 LTR_{к,кв}}{\sum_{к=1}^3 LTR_{к,кв-1}},$$

бунда:

$LTR_{5,кв}$ – ўтган чоракка нисбатан жорий чоракдаги тарифлар индекси (хизмат, гуруҳ ёки кичик гуруҳ хизматлар, барча ташиш ва алоқа хизматлар бўйича – йиғма маълумот);

$LTR_к$ – таянч йилнинг декабрь ойига нисбатан чоракнинг $к$ - оyi учун тарифлар индекси (хизмат, гуруҳ ёки кичик гуруҳ хизматлар, барча ташиш ва алоқа хизматлар бўйича – йиғма маълумот);

$к$ – ҳар бир чоракдаги оyнинг тартиб рақами (январдан мартгача, апрелдан июнгача ва ҳ.к.);

$кв$ – жорий чорак;

$кв-1$ – аввалги чорак.

жорий чорак ўтган йилнинг мос чорагига нисбатан:

$$LTR_{6,к6} = \frac{\sum_{\kappa=1}^3 LTR_{\kappa,G}}{\sum_{\kappa=1}^3 LTR_{\kappa,G-1}},$$

бунда:

$LTR_{6,к6}$ – ўтган йилнинг мос чорагига нисбатан жорий чорагдаги тарифлар индекси (хизмат, гуруҳ ёки кичик гуруҳ хизматлар, барча ташиш ва алоқа хизматлар бўйича – йиғма маълумот);

LTR_{κ} – таянч йилнинг декабрь ойига нисбатан чоракнинг κ - ойи учун тарифлар индекси (хизмат, гуруҳ ёки кичик гуруҳ хизматлар, барча ташиш ва алоқа хизматлар бўйича – йиғма маълумот);

κ – ҳар бир чорагдаги ойнинг тартиб рақами (январдан мартгача, апрелдан июнгача ва ҳ.к.);

G – жорий йил;

$G-1$ – ўтган йил.

35. Юқорида санаб ўтилган индекслардан ташқари, ўртача ойлик ташиш ва алоқа хизматлари тарифлари индексини ҳисоблашда ўртача геометрик қиймат формуласидан фойдаланган ҳолда ҳисобланади:

$$\overline{I_p} = \sqrt[n]{STR_1 * STR_2 * \dots * STR_n},$$

бунда:

$\overline{I_p}$ – биринчи ойдан бошлаб n – ойгача бўлган давр учун ўртача ойлик индекс;

STR – ўтган ойга нисбатан ҳар бир ой учун қисқа муддатли тариф индекси;

n – ойлар сони.

36. Йил бошидан ўртача ойлик тариф индексларини ҳисоблашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\overline{I_p} = \sqrt[n]{LTR_{2,n}},$$

бунда:

$\overline{I_p}$ – январь ойдан бошлаб n – ойгача бўлган давр учун ўртача ойлик индекс;

LTR_2 – ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан жорий йилнинг n -ойидаги тариф индекси;

n – ой тартиб рақами.

Якуний қоидалар

37. Ташиш ва алоқа хизматлари тарифлари индексидан транспорт ва алоқа соҳасидаги инфляцион жараёнларни баҳолашда, индекс-дефляторларни аниқлашда, турли хилдаги иқтисодий ҳисоб-китобларда ва макро даражадаги прогнозлаштириш ишларида фойдаланиш мумкин.

38. Нашрларда ва расмий ҳисоботларда тариф индекслари маълумотлари вергулдан сўнг битта ўнлик белги билан жойлаштирилади.

Фойдаланилган маълумотлар рўйхати

1. “Ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси: амалиёт ва назария” (ЕИҚ, БМТ, ХВЖ, ХМТ, ИХРТ, Евростат, Бутунжаҳон банки, 2004 йил).

2. “Миллий ҳисоблар тизимида ҳажм ва нарх кўрсаткичлари бўйича қўлланма” (Евростат 2001 йил).

3. Ўзбекистон Республикаси давлат стандарти O'zDT 005: 2011 // Иқтисодий фаолият турлари бўйича умумдавлат таснифлагичи (2-таҳрир)

**«Оғирлиги 20 граммгача бўлган оддий хат юборганлик учун тўлов»
вакил-хизмати бўйича ўтган ойга нисбатан тариф индексларининг
шартли ҳисобланиши**

А	Тариф, сўмда		Ўтган ойга нисбатан тариф индекси, %	
	(G-1) ўтган йил учун	(G) жорий йил учун	(G-1) ўтган йил учун	(G) жорий йил учун
Б	В	Г	Д	
(G-2) йил декабрь	1200	х	х	х
январь	1210	1350	100,83 (1210/1200*100%)	100,00 (1350/1350*100%)
февраль	1210	1400	100,00 (1210/1210*100%)	103,70 (1400/1350*100%)
март	1250	1400	103,31 (1250/1210*100%)	100,00 (1400/1400*100%)
апрель	1250	1400	100,00 (1250/1250*100%)	100,00 (1400/1400*100%)
май	1200	1400	96,00 (1200/1250*100%)	100,00 (1400/1400*100%)
июнь	1200	1410	100,00 (1200/1200*100%)	100,71 (1410/1400*100%)
июль	1250	1410	104,17 (1250/1200*100%)	100,00 (1410/1410*100%)
август	1250	1410	100,00 (1250/1250*100%)	100,00 (1410/1410*100%)
сентябрь	1320	1450	105,60 (1320/1250*100%)	102,84 (1450/1410*100%)
октябрь	1350	1480	102,27 (1350/1320*100%)	102,07 (1480/1450*100%)
ноябрь	1350	1450	100,00 (1350/1350*100%)	97,97 (1450/1480*100%)
декабрь	1350	1470	100,00 (1350/1350*100%)	101,38 (1470/1450*100%)

**«Оғирлиги 20 граммгача бўлган оддий хат юборганлик учун тўлов» вакил-хизмати
бўйича ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан тариф индексларининг
шартли ҳисобланиши**

	Ўтган ойга нисбатан тариф индекси, %		Ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан тариф индекси, %	
	(G-1) ўтган йил учун	(G) жорий йил учун	(G-1) ўтган йил учун	(G) жорий йил учун
А	Б	В	Г	Д
январь	100,83	100,00	100,83	100,00
февраль	100,00	103,70	100,83 (100,00*100,83/100%)	103,70 (103,70*100,00/100%)
март	103,31	100,00	104,17 (103,31*100,83/100%)	103,70 (100,00*103,70/100%)
апрель	100,00	100,00	104,17 (100,00*104,17/100%)	103,70 (100,00*103,70/100%)
май	96,00	100,00	100,00 (96,00*104,17/100%)	103,70 (100,00*103,70/100%)
июнь	100,00	100,71	100,00 (100,00*100,00/100%)	104,44 (100,71*103,70/100%)
июль	104,17	100,00	104,17 (104,17*100,00/100%)	104,44 (100,00*104,44/100%)
август	100,00	100,00	104,17 (100,00*104,17/100%)	104,44 (100,00*104,44/100%)
сентябрь	105,60	102,84	110,00 (105,60*104,17/100%)	107,41 (102,84*104,44/100%)
октябрь	102,27	102,07	112,50 (102,27*110,00/100%)	109,63 (102,07*107,41/100%)
ноябрь	100,00	97,97	112,50 (100,00*112,50/100%)	107,40 (97,97*109,63/100%)
декабрь	100,0	101,38	112,50 (100,00*112,50/100%)	108,89 (101,38*107,40/100%)

- Жадвал Б ва В устунни маълумоти 1 - шартли мисолда (Г ва Д устунга қаранг) ҳисобланган.

**«Оғирлиги 20 граммгача бўлган оддий хат юборганлик учун тўлов» вакил-хизмати
бўйича базавий йилнинг декабрь ойига нисбатан тариф индексларининг
шартли ҳисобланиши**

А	Ўтган ойга нисбатан тариф индекси, %		(G-2) Базавий йилнинг декабрь ойига нисбатан тариф индекси, %	
	(G-1) ўтган йил учун	(G) жорий йил учун	(G-1) ўтган йил учун	(G) жорий йил учун
А	Б	В	Г	Д
(G-2) базавий йил декабрь	100,00	х	100,00	х
январь	100,83	100,00	100,83 (100,83*100,00/100%)	112,50 (100,00*112,50/100%)
февраль	100,00	103,70	100,83 (100,00*100,83/100%)	116,66 (103,70*112,50/100%)
март	103,31	100,00	104,17 (103,31*100,83/100%)	116,66 (100,00*116,66/100%)
апрель	100,00	100,00	104,17 (100,00*104,17/100%)	116,66 (100,00*116,66/100%)
май	96,00	100,00	100,00 (96,00*104,17/100%)	116,66 (100,00*116,66/100%)
июнь	100,00	100,71	100,00 (100,00*100,00/100%)	117,49 (100,71*116,66/100%)
июль	104,17	100,00	104,17 (104,17*100,00/100%)	117,49 (100,00*117,49/100%)
август	100,00	100,00	104,17 (100,00*104,17/100%)	117,49 (100,00*117,49/100%)
сентябрь	105,60	102,84	110,00 (105,60*104,17/100%)	120,83 (102,84*117,49/100%)
октябрь	102,27	102,07	112,50 (102,27*110,00/100%)	123,33 (102,07*120,83/100%)
ноябрь	100,00	97,97	112,50 (100,00*112,50/100%)	120,83 (97,97*123,33/100%)
декабрь	100,0	101,38	112,50 (100,00*112,50/100%)	122,50 (101,38*120,83/100%)

- Жадвал Б ва В устунни маълумоти 1 - шартли мисолда (Г ва Д устунга қаранг) ҳисобланган.

**«Оғирлиги 20 граммгача бўлган оддий хат юборганлик учун тўлов» вакил-хизмати
бўйича жорий йил ойларининг ўтган йил мос ойларига нисбатан тариф индексларининг
шартли ҳисобланиши**

А	(G-2) Базавий йилнинг декабрь ойига нисбатан тариф индекси, %		(G) Жорий йил ойининг (G-1) ўтган йилнинг мос ойга нисбатан тариф индекси, %
	(G-1) ўтган йил учун	(G) жорий йил учун	
А	Б	В	Г
январь	100,83	112,50	111,57 (112,50/100,83*100%)
февраль	100,83	116,66	115,70 (116,66/100,83*100%)
март	104,17	116,66	111,99 (116,66/104,17*100%)
апрель	104,17	116,66	111,99 (116,66/104,17*100%)
май	100,00	116,66	116,66 (116,66/100,00*100%)
июнь	100,00	117,49	117,49 (117,49/100,00*100%)
июль	104,17	117,49	112,79 (117,49/104,17*100%)
август	104,17	117,49	112,79 (117,49/104,17*100%)
сентябрь	110,00	120,83	109,85 (120,83/110,00*100%)
октябрь	112,50	123,33	109,63 (123,33/112,50*100%)
ноябрь	112,50	120,83	107,40 (120,83/112,50*100%)
декабрь	112,50	122,50	108,89 (122,50/112,50*100%)

- Жадвал Б ва В устунни маълумоти З - шартли мисолда (Г ва Д устунга қаранг) ҳисобланган.

**Оғирлиги 20 граммгача бўлган оддий хат юборганлик учун тўлов» вакил-хизмати бўйича
жорий йил бошидан бошланган даврнинг ўтган йил мос даврига нисбатан тариф
индексларининг шартли ҳисобланиши**

	(G-2) Базавий йилнинг декабрь ойига нисбатан тариф индекси, %		январдан бошлаб тариф индекслари йиғиндиси		(G) Жорий йил бошидан бошланган даврнинг (G-1) ўтган йилнинг мос даврига нисбатан тариф индекси, %
	(G-1) ўтган йил учун	(G) жорий йил учун	(G-1) ўтган йил учун	(G) жорий йил учун	
А	Б	В	Г	Д	Е=Д/Г
январь	100,83	112,50	100,83	112,50	111,57
февраль	100,83	116,66	201,66 (100,83+100,83)	229,16 (116,66+112,50)	113,64
март	104,17	116,66	305,83 (104,17+201,66)	345,82 (116,66+229,16)	113,08
апрель	104,17	116,66	410,00 (104,17+305,83)	462,48 (116,66+345,82)	112,80
май	100,00	116,66	510,00 (100,00+410,00)	579,14 (116,66+462,48)	113,56
июнь	100,00	117,49	610,00 (100,00+510,00)	696,63 (117,49+579,14)	114,20
июль	104,17	117,49	714,17 (104,17+610,00)	814,12 (117,49+696,63)	114,00
август	104,17	117,49	818,34 (104,17+714,17)	931,61 (117,49+814,12)	113,84
сентябрь	110,00	120,83	928,34 (110,00+818,34)	1052,44 (120,83+931,61)	113,37
октябрь	112,50	123,33	1040,84 (112,50+928,34)	1175,77 (123,33+1052,44)	112,96
ноябрь	112,50	120,83	1153,34 (112,50+1040,84)	1296,60 (120,83+1175,77)	112,42
декабрь	112,50	122,50	1265,84 (112,50+1153,34)	1419,10 (122,50+1296,60)	112,11

– Жадвал Б ва В устуни маълумоти 3 - шартли мисолда (Г ва Д устунга қаранг) ҳисобланган.

**Оғирлиги 20 граммгача бўлган оддий хат юборганлик учун тўлов» вакил-хизмати
бўйича жорий йил чораги ўтган чоракка нисбатан тариф индексларининг
шартли ҳисобланиши**

А	(G-2) Базавий йилнинг декабрь ойига нисбатан тариф индекси, %		Чоракнинг 1-дан 3-ойигача тариф индекслари йиғиндиси		(G) Жорий йил чораги ўтган чоракка нисбатан тариф индекси, %
	(G-1) ўтган йил учун	(G) жорий йил учун	(G-1) ўтган йил учун	(G) жорий йил учун	
Б	В	Г	Д	Е	
январь	100,83	112,50			
февраль	100,83	116,66			
март	104,17	116,66		345,82 (112,50+116,66+116,66)	102,47 (345,82/337,50*100%)
апрель	104,17	116,66			
май	100,00	116,66			
июнь	100,00	117,49		350,81 (116,66+116,66+117,49)	101,44 (350,81/345,82*100%)
июль	104,17	117,49			
август	104,17	117,49			
сентябрь	110,00	120,83		355,81 (117,49+117,49+120,83)	101,43 (355,81/350,81*100%)
октябрь	112,50	123,33			
ноябрь	112,50	120,83			
декабрь	112,50	122,50	337,50 (112,50+112,5+112,5)	366,66 (123,33+120,83+122,50)	103,05 (366,66/355,81*100%)

– Жадвал Б ва В устунни маълумоти 3 - шартли мисолда (Г ва Д устунга қаранг) ҳисобланган.

**Оғирлиги 20 граммгача бўлган оддий хат юборганлик учун тўлов» вакил-хизмати
бўйича жорий йил чораги ўтган йилнинг мос чорагига нисбатан тариф индексларининг
шартли ҳисобланиши**

	(G-2) Базавий йилнинг декабрь ойига нисбатан тариф индекси, %		Чоракнинг 1-дан 3-ойигача тариф индекслари йиғиндиси		(G) Жорий йил чораги (G-1) ўтган йил мос чорагига нисбатан тариф индекси, %
	(G-1) ўтган йил учун	(G) жорий йил учун	(G-1) ўтган йил учун	(G) жорий йил учун	
А	Б	В	Г	Д	Е=Д/Г
январь	100,83	112,50			
февраль	100,83	116,66			
март	104,17	116,66	305,83 (100,83+100,83+104,17)	345,82 (112,50+116,66+116,66)	113,08
апрель	104,17	116,66			
май	100,00	116,66			
июнь	100,00	117,49	304,17 (104,17+100,00+100,00)	350,81 (116,66+116,66+117,49)	115,33
июль	104,17	117,49			
август	104,17	117,49			
сентябрь	110,00	120,83	318,34 (104,17+104,17+110,00)	355,81 (117,49+117,49+120,83)	111,77
октябрь	112,50	123,33			
ноябрь	112,50	120,83			
декабрь	112,50	122,50	337,50 (112,50+112,5+112,5)	366,66 (123,33+120,83+122,50)	108,64

- Жадвал Б ва В устуни маълумоти 3 - шартли мисолда (Г ва Д устунга қаранг) ҳисобланган.